

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика
институти

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
факультети

Ахмедов.Ф.К

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ
ВА МЕТОДИКАСИДАН**

101 саволга 101 жавоб

Жиззах-2010

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика
институти

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
факультети

Ахмедов.Ф.Қ

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ
ВА МЕТОДИКАСИДАН**

101 саволга 101 жавоб

Жиззах-2010

Аннотация

Мазкур услубий қўлланма жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан савол-жавоблар тарзида тузилган булиб, ундан жисмоний тарбия ва спорт йўналишида таълим олувчилар (ОЗК ўкувчилари, бакалавр ва магистр) ҳамда соҳа мутахассислари фойдаланишлари назарда тузилган.

Тузувчи: п.ф.н доц. Ахмедов.Ф.Қ.

Такризчилар: Бух ДУ жисмоний тарбия назарияси ва кураш кафедраси мудири п.ф.н.,доц.

Г.М.Салимов

ЖДПИ Ўзбек тилишунослиги кафедраси мудири ф.ф.н.,доц.
Б.Файзуллаев

ФарДУ жисмоний тарбия назарияси кафедраси п.ф.н.,доц.
Р.Хамракулов

Тахрирчи: п.ф.д. проф.Д.Ж.Шарипова

Техник муҳаррир: доц.И.С.Солиев

Ушбу қўлланма А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг Илмий Конгашининг 2010 йил 30 ноябрдаги №4 сонли карорида тасдиқланган ва нашр этишга тавсия этилган.

Жиззах Давлат педагогика институти, «Педагог»кичик боемажона

ТУШИНТИРИШ ХАТИ

Ушбу услубий кўлланма жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган барча мутахассислар, ўрта маҳсус касб таълими, олий таълим тизимида, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган ўкув юртларида таҳсил олувишлар учун мўлжалланган. Услубий кўлланма ўкувчи учун жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани бўйича асосий тушунчилар ва билимлар мажмуасини қиска саволлар ва жавоблар орқали етказиб беришга қаратилган. Кўлланмани тайёрлашда тегишли энциклопедиялардан, лўғатлардан, А.Д.Новиков, Б.А.Ашмарин, Л.П.Матвеев, Д.Ж.Шарипова, Р.Абдумаликов, А.Атоев, П.Хўжаев, Х.Т.Рафиев, А.Абдуллаев, Ш.Хонкелдиев, Ф.А.Керимов, Р.Саломов, К.Маҳкамжонов, Г.Салимов каби етакчи мутахассис олимлар томонидан яратилган адабиётлардан фойдаланилди.

Ушбу кўлланма бўйича фикр ва мулоҳазаларни Жиззах давлат педагогика институтининг «Жисмоний тарбия назарияси ва миллий спорт турлари» кафедрасига юборишингиз мумкин.

1. Савол. Жисмоний тарбиянинг мақсади нималардан иборат?

Жавоб: Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг мақсади шахсни давлатнинг фвол интироқчиларига айлантириш, ижодий меҳнатта ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашдан иборатdir.

2. Савол. Жисмоний тарбиянинг вазифалари нималардан иборат?

Живоб. а) Шахс организмини гармоник ривожлантириш, жисмоний қобилиятни ҳар томонлама камолга етказиши, соглигини мустаҳкамлаштириш ва узок умр кўришини гъъминлашга қаратилганлиги; б) Инсонни тарбиянинг турмушини берадиган малакаларини ва кўнгилмаларини қундалик турмушини берадиган бўладиган жисмоний маданиятта молик маҳсус билимларни шакллантириш; в) Шахсни ҳар томонлама жисмонан ривожлантириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш кабилардан иборатdir.

3. Савол. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани нималарни ўргатади?

Жавоб: Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани мутахассисликка йўналтирилган ўкув предмети сифатида жисмоний маданият мутахассислари учун фундаментал билимлар тизими, инсон жисмоний баркамоллиги, унга эришиш ва бошқаришнинг умумий қонуниятларини ўрганади.

4. Савол. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси қайси фанлар билан алоқадор?

Жавоб: Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси умумий педагогика, психология, ёш даврлар психологияси, спорт психологияси, одам анатомияси, гигиена, биохимия ва спорт гиббиёти каби фанлар билан бевосита алоқадор.

5. Савол. Жисмоний ривожланиш тушунчаси нима?

Жавоб: Турмуш шароитининг хусусан, тарбиянинг таъсирида киши организми ва функцияларининг вужудга келиши ҳамда ўзгариши жараёнидир.

6. Савол. Жисмоний тарбия түшүнчеси нима?

Жавоб: Жисмоний тарбия педагогик жараёнбылиб, махсус танланган жисмоний машқлар оркалы инсон организмини функционал жиҳатларини такомиллаштириш, шахсни хар томонлама баркамол этиб тарбиялашга каратылган тарбия фаолиятидир.

7. Савол. Жисмоний маданият түшүнчеси нима?

Жавоб: Жисмоний маданият жамият аззоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадға мувофик рационал амалға ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратыш ҳамда улардан рационал фойдаланиш буйича эриштган ютукларининг мажмуасидир. Жисмоний маданият умумий маданияттинг бир қисми унинг юксалиши жамият ривожланишининг асосидир.

8. Савол. Жисмоний билим нимани ўз ичига олади?

Жавоб: Жисмоний машқларни бажаришга онд махсус назарий түшүнчалар ҳамда уларни амалда күллаш маҳорати ва күнкімаларини ўз ичига оладиган билимлар мажмуаси жисмоний билімнің гашкил этади.

9. Савол. Жисмоний сифат турлари нималардан иборат?

Жавоб: Жисмоний сифат турлари құйидагилардан иборат: 1. Күч жисмоний сипати. 2. Тезкорлик жисмоний сипати. 3. Чакконлик жисмоний сипати. 4. Эгилувчанлик жисмоний сипати. 5. Чидамкорлик жисмоний сипати.

10. Савол. Чакконлик жисмоний фазилатига таъриф беринг.

Жавоб: Чакконлик деганда ҳаракатлар координацияларининг умумий түплемә йигиндиси жүшунилади. Содалаштирилганда чакконлик күтілмаган шароитта зарурий ҳаракатларни тез, шиддатли ва аник бажариш жисмоний фазилатидир.

11. Савол. Чидамлилик жисмоний фазилатига таъриф беринг.

Жавоб: Мускуллар иши фаолиятида жисмоний машқлар билан шугулланиши жараёнида чаржокқа қаршилик күрсатыш даражаси чидамлилик сипати деб аталади.

12. Савол. Махсус ва умумий чидамлилікка таъриф беринг.

Жавоб. Танлаб олинган (иҳтинослик) спорт тури ёки меҳнат фаолияти учун талаб қилинадиган чидамлиликни маҳсус чидамлилик, бошқа ҳаётий шароитдаги фаолият учун лозим бўлган чидамлилик умумий чидамлилик дейилади.

13. Савол. Чидамкорлик сифати қандай тарбияланади?

Жавоб: Узоқ муддатли машқулар бажариш, машқуларни тақорлаш, чарчоқни енгишга қаратилган турли типдаги жисмоний машқулар орқали тарбияланади.

14. Савол. Тезкорлик жисмоний фазилатига таъриф беринг.

Жавоб. Тезкорлик деганда индивидуал ҳаракат тезлик характеристикасининг, асосан ҳаракат реакциясининг вақтини беъосита боғловчи функционал хусусиятлар комплекси тушунилади.

15. Савол. Тезликнинг намоён бўлишини нечта шакли бор?

Жавоб. Учта куйидаги шакли мавжуд:

Якка ҳаракат тезлиги (кичик ташки қаршиликни снгиш билан).

Ҳаракатлар частотаси.

Ҳаракатлар реакциясини тезлиги (яширин ламент даври).

16. Савол. Эгилувчанлик жисмоний фазилатига таъриф беринг.

Жавоб. Эгилувчанлик жисмоний фазилат бўлиб, ҳаракат таянч аппаратларининг функционал хусусиятлари демакдир. Бу хусусиятлар шу аппарат бўгинларининг ҳаракатчанлиги, унинг максимал амплитудаси (оғиши, эгилиши, буклана олиши, чўзилиши, кайишқоклиги) билан ўлчанади.

17. Савол. Эгилувчанлик жисмоний фазилатининг қандай турлари мавжуд?

Жавоб. Эгилувчанлик фаол ва нофаол бўлиши мумкин. Ўз мускул кучи эвазига эгилиш фаол эгилувчанлик ва ташки қаршиликни енгиш эвазига рўй берадиган эгилувчанлик эса нофаол эгилувчанлик дейилади.

18. Савол. Куч жисмоний фазилати қандай таърифланади?

Жавоб. Ташки таъсири мускуллар зўрикиши ҳисобига енгишга қаратилган куч жисмоний куч дейилади. Бошқача қилиб айттанди, мускуллар зўрикиши (узайиши-қискариши) ҳисобига намоён бўладиган куч жисмоний куч ҳисобланади.

19. Савол. Кучнині қандай турлари мавжуд?

Жавоб. Куч намоён килишда кишининг вазни ҳам роль ўйнайди. Шунга кўра абсолют куч ва нисбий куч ҳам деб фарқланади.

20. Савол. Куч сифати қандай машқлар билан ривожлантирилади?

Жавоб. Ташки қаршиликларни енгишга қаратилган машқлар ва индивиддинг ўз танаси оғирлигини енгишга қаратилган машқлар оркали.

21. Савол. Жисмоний фазилатларни ўзаро алоқадорлиги нимада?

Жавоб. Жисмоний фазилатларни алоқадорлиги уларни ўзаро бир- бирини тўлдиришидадир.

22. Савол. Жисмоний тарбиялаги жисмоний тайёргарликнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Жавоб: Умумий жисмоний тайёргарлик, қасб-хунар жисмоний тайёргарлиги, жисмоний тарбиянинг асосий йўналишлари саналади.

23. Савол. Жисмоний маданиятдаги моддий бойликларга нималар киради?

Жавоб: Турли хил спорт иншоотлари (стадионлар, сув ҳавзалари, спорт заллари ва бошқалар) маҳсус жихозлар, ускуналар, маблаглар, жамият аъзоларининг жисмоний баркамоллик даражаси жисмоний маданиятда моддий бойликларга киради.

24. Савол. Жисмоний маданиятда маънавий бойлик нималардан иборат?

Жавоб: Маънавий бойлик тарбия тизими яратган, шакллантирган тоявий, илмий, ташкилий, амалий ва маҳсус илмий ютуқлар ҳисобланади.

25. Савол. Жисмоний тарбия тизими нима?

Жавоб. Жисмоний тарбия тизими деганда жисмоний тарбиянинг принциплари (тамойиллари), воситалари, методлари ва уни ташкилий шаклларининг умумийлиги тушунилади.

26. Савол. Ўзбекистонда жисмоний тарбия тизими қандай бўғинларга бўлинади?

Жавоб: Ўзбекистондаги жисмоний тарбия тизими қўйидаги бўғинларга бўлинади:

мактабгача таълим муассасалари жисмоний тарбияси

мактаб ёнидагилар жисмоний тарбияси: (умумий ўрта таълим 1-9 синфлар)

ўрта маҳсус касб-таълими (академик лицейлар, касб-хунар колледжлари) уқувчилари жисмоний тарбияси

олий таълим талабалари жисмоний тарбияси

ҳарбийлик (армия) даври жисмоний тарбияси

олий таълимдан ва ҳарбий хизматдан сўнгти хаваскорлик асосидаги катталар жисмоний тарбияси.

27. Савол. Жисмоний тарбия назариясининг умумий принцип (тамойил) лари нималардан иборат ?

Жавоб: 1. Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлик принципи. 2. Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга каратилганлик принципи. 3. Жисмоний тарбияни согломлаштиришга йўналтирилганлик принципи.

28. Савол. Жисмоний тарбия назариясининг илмий- тадқиқот услублари нималардан иборат?

Жавоб: Жисмоний тарбия назариясининг асосий илмий-тадқиқот услублари – назарий таҳлил ва умумлаштириш, педагогик кузатиш, эксперемент (тажриба- синов) ҳамда математик ҳисоблашдан иборат.

29. Савол. Жисмоний тарбия тизими қандай элементларни бирлаштиради?

Жавоб: а) Жисмоний тарбиянинг мақсади, вазифалари ва принципларининг мақсадга мувофиқлиги;

б) жисмоний тарбия тизимида кўлланиладиган воситалар: гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм ва бошқа жисмоний машқлар;

- в) турли шаклдаги педагогик жараён мобайнида күлланиладиган (таълим методлари, спорт машқи, мустақил машгуотларда фойдаланиладиган) методлар;
- г) жисмоний тарбия максадида кишиларни бирлаштириш шакллари;
- д) жисмоний тарбия мазмуни ва натижаларида ифодаланган асосий ва давлат талаблар (мeyerлар ва дастурлар)ни бирлаштиради.

30. Савол. Жисмоний тарбия воситалари нималардан иборат?

Жавоб. Жисмоний машқлар, табиатни соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан иборат.

31. Савол. Жисмоний машқ деб нимага айтилади?

Жавоб. Жисмоний машқ деб, жисмоний тарбия қонуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракат фаолиятларининг турли туркумлари тушунилади.

32. Савол. Жисмоний машқ техникаси деб нимага айтилади.

Жавоб. Жисмоний машқ техникаси деб, ҳаракат вазифасини осон, самарали ҳал қилиш учун танланган ҳаракат фаолияти тушунилади. Жисмоний машқ техникаси доим ўзгариб туради ва такомиллашади.

33. Савол. Жисмоний машқлар классификацияси деганда нимани тушунасиз?

Жавоб. Жисмоний машқлар классификацияси бу машқларни шакли ва мазмунига кўра туркумларга бўлиш демакдир.

34. Савол. Жисмоний машқлар кандай туркумланган ?

Жавоб: Жисмоний машқлар тарихан ўйинлар гарзидаги, гимнастика кўринишдаги спорт ва туризм машқлари а туркумланади.

35. Савол. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари нималардан иборат?

Жавоб: Ҳаво, ер, куёш нури, сув, жисмоний тарбия жараёнида табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари жисмоний тарбия воситаси бўлиб хизмат қиласди.

36. Савол. Гигиеник омиллар нималардан иборат?

Жавоб: Гигиеник омиллар шахсий ва жамоат гигиенаси тадбирларини ўз ичига олади. Гигиеник омилларига тўғри риоя этган холла жисмоний машқулар билан шугулланиш тарбиянинг самарадорлигини ошириши илмий-амалий жиҳатдан исботланган.

37. Савол. Жисмоний таълим тушунчасига таъриф беринг.

Жавоб. Жисмоний тарбия жараёнида таълим маҳсус билим ва харакатларни бажара олишни ўзлаштириш ҳамда уларни ўкувчига, шугулланувчига узатишни ташкил қилиш ва йўлга кўйишидир. ёки соҳага доир маълумот беришдир.

38. Савол. Жисмоний таълимнинг услубий принципи (тамойил)лари нималардан иборат?

Жавоб. 1.Онглилик ва фаоллик услубий принципи. 2. Кўргазмалилик принципи. 3. Кучига ярашалилик ва индивидуаллаштириш принципи. 4. Мунтазамлилик принципи. 5. Талабларни аста-секинлик билан ошириш принципи.

39. Савол. Жисмоний тарбия кандай умумий принципларга таянади?

Жавоб. а) Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғликлиги принципи; б) Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи; в) Жисмоний тарбиянинг согломлаштиришга йўналтирилганлиги принципи жисмоний тарбиянинг умумий принциплари саналади.

40. Савол. Таълим методлари кандай гавсифланади?

Жавоб: Таълим методлари уч турухга ажратилиб тавсифланади. Методларнинг таълим жараенидаги ўрнига кура сўздан фойдаланиш, кўргазмали материалларни хис қилиш ва амалий деб гурӯхланади ҳамда улардан кенг фойдаланинади. ҳар бир гурӯх ўз навбатида бир неча методларни ўз ичига олади.

41. Савол. Сўздан фойдаланиш методлари нималардан иборат?

Жавоб: Сўздан фойдаланиш методи куйидагилардан иборат: ҳикоя, ифодалаш, тушунтириш, сұхбат, мухокама, топширик, курсатма, баҳо, буйруқ бериш кабилардан иборатdir.

42. Савол. Күргазмали материалларни ҳис килиш методлари нималардан иборат?

Жавоб: Күргазмали материалларни ҳис қилиш методлари күйидагилардан иборат: күрсатищ, намойиш этиш, плакатлар, чизмалар, макетлар, моделлар, ранг ва товуш сигналлари, жисмоний машқарни бажарып күрсатышлардан иборат.

43. Савол. Амалий методларга нималар киради?

Жавоб: Регламентлаштириш машқ методлари, бұлакларға бүлиб үзлаштириш, бир бутунлигіча ўргатиши методи, үчин методи ва мұсабака методлари киради.

44. Савол. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг вазифалари нималардан иборат?:?

Жавоб: Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясиинг вазифаси болаларни соғығиңи сақлаш, чиниқтириш, жисмоний ривожлантириш, гавдани түғри гүтиш, гигиенага риоя этиш, куч хислатларни тарбиялаш ішләридан иборат. Асосийси болаларда хаёт учун зарурий әнг оддий ҳаракат малакаларини – юриш, югуриш, сақраш, улоқтириш, тирмашыл чиқиц, сузиш ҳамда велосипедда, самаокатда ва отда юриш элементларини ривожлантиришдан иборат.

45. Савол. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбиянинг қандай шакллари мавжуд.

Жавоб: Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбиянинг орталабки гимнастика, чиниқтирувчи муолажалар, жисмоний тарбия дақылалари, үкув типидаги жисмоний машқлар билан шүгүлланиш машқулотлари, үйинлар, жисмоний маданият байрамлари, жисмоний машқлар билан шүгүлланишнинг индивидуал машқулотлари, мустақыл шүгүлланиш шаклларида амалға оширилади.

46. Савол. Мактаб үкувчилари жисмоний тарбиясиининг мақсади нималардан иборат?

Жавоб: Үмумтағым үйнәлишидаги үқүвчилар жисмоний тарбиясиинг мақсади аста-секинлик билан уларни жисмоний камопетта эришиши ва шу аснода ҳаётта, ижодий мәхнатта ҳамда Вяған мудофаасига тайёрлаб боришдан иборат.

47. Савол. Умумъчлим мактаб ўкувчилари жисмоний тарбиясининг умуми. за хусусий вазифалари нималардан иборат.

Жавоб: Умумтаълим мактаб ўкувчиларининг умумий вазифалари – билим ошиш, жисмоний чиникиш ва соглом бўлишдан иборат. Хусусийлари эса жисмоний тарбиядан ДТС дасгуридаги маҳсус вазифалар тарзida ҳал қилинади.

48. Савол. Умумтаълим мактаб ўкувчиларини жисмоний тарбиялашнинг шакллари нималардан иборат?

Жавоб: Мактаб ўкувчиларининг жисмоний тарбияси қўйидаги шаклларда амалга оширилади: жисмоний тарбия дарсларида, дарсгача гимнастика машқларида, жисмоний машқлар дакиқаларида, танаффуслардаги ўюнтирилган ўйинларда, спорт тўғракларида, спорт байрамларида, турли хил мусобакаларда, учрашувларда, саломатлик куни ҳамда мактабдан ташқари ишлар асосида амалга оширилади.

49. Савол. Тиббий назоратга кўра жисмоний тарбия билан шугулланувчилар қандай гурухларга бўлинади?

Жавоб: Таълим жараённ тиббий кўрик хуносаларига кура ўкувчилар асосий, тайёрлов ва маҳсус тиббий гурухлар деб номланувчи гурухларга бўлинади.

50. Савол. Жисмочий тарбия жараёнида миллий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш деганда нималар тушунилади?

Жавоб. Жисмоний тарбия жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келган турли моддий ва маънавий, миллий қадриятлар, анъаналарни хозирги замонавий таълим-тарбия тизимила жорий этиш жисмоний тарбияда миллий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш тушунилади.

51. Савол. Ўкув жараёнини ташкил этишининг асосий иш хужжати нима?

Жавоб. Таълим тизимиning барча бўғимларида ҳам ўкув жараёнинг ташкил этишининг асосий хужжати Давлат таълим стандарти (ДТС) хисобланади.

52. Савол. Ўкувчилар жисмоний тарбияси жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Жавоб. Ўкувчилар жисмоний тарбияси жараёнида умумий ва хусусий вазифалар ҳал қилинади

53. Савол. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг умумий вазифаларига нималар киради?

Жавоб. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг умумий вазифалари – билим бериш, жисмоний тарбиялаш ва согломлаштиришдан иборат.

54. Савол. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг хусусий вазифалари нималардан иборат?

Жавоб. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг хусусий вазифалари жисмоний тарбиядан Давлат гаълим сидандарти дастуридаги маҳсус вазифалар тарзида ҳал қилинади.

55. Савол. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг машгулот шакллари нималардан иборат?

Жавоб. Ўкувчилар жисмоний тарбиясининг машгулотлари мактабда ўкув ишлари, синфдан ташқари ишлар, согломлашириш ишлари, мактабдан ташқари муассасаларда ва оиласда амалга оширилади.

56. Савол. Ўкувчилар жисмоний тарбияси мактабда қандай шаклларда амалга оширилади?

Жавоб. Мактабда ўкувчилар жисмоний тарбияси жисмоний тарбия дарси, дарслача гимнастика, жисмоний тарбия дақиқалари, танаффуслардаги ўйинлар, спорт кружоклари, спорт мусобакалари, спорт байрамлари ва бошқа синфдан ташқари ишлар шаклида амалга оширилади.

57. Савол. Ўкувчи жисмоний тарбиясининг мактабдан ташқари шаклларига нималар киради?

Жавоб. Ўкувчи жисмоний тарбиясининг мактабдан ташқари шаклларига болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, турар жойлардаги спорт иншоатлари, сув ҳавзалари, истироҳат боғлари, маданият саройларидағи спорт кружоклари ва бошқа тарздаги машгулот шакллари киради.

58. Савол. Умумтаълим мактаб жисмоний тарбия дарси нима?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарси-жисмоний гарбия машгулотларининг тизимли шакли бўлиб, бир хил ёшдаги, бир хил коинтенгентдаги болаларга 45-минут вактда дастур мавзуларнинг ўқитиш жараёни тушунилади.

59. Савол. Жисмоний тарбия дарсларининг вазифалари нималардан ишорат?

Жавоб. Жисмония тарбия дарслари ўкувчиларни таълим бериш, тарбиялаш ва согломлаштиришдек вазифаларни амалга оширади.

60. Савол. Жисмоний тарбия дарсларини таълим бериш вазифаси нималарга қаратилган?

Жавоб. Жисмония тарбия дарсларида таълим бериш вазифалари ўкувчиларни ўкув дастури асосидаги жисмоний машкларни бажаришга уларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, куникма ва малакаларни ривожлантиришга хамда ҳаракатларни амалиётда кўллапта ўргатишга йўналтирилган. Шунингдек ўкувчиларни жисмоний тарбия ва спорт, соглиқни сақлаш, чиникиш, жисмоний маданиятга доир назарий билимларни оширишга қаратилғандир.

61. Савол. Жисмоний тарбия дарсларида тарбия вазифалари нималарга йўналтирилган?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчиларни барча инсоний фазилатларини, жумладан ақлий, ахлоқий, этик-эстетик тарбиялаш, шунингдек уларда миллат парварлик, ватаншарварлик, инсонпарварлик каби кўплаб ижобий ғояларни сингдириш каби вазифалар ҳал этилади.

62. Савол. Жисмоний тарбия дарсларида согломлаштиришга йўналтирилганлиг вазифаси қандай бажарилади?

Жавоб. Жисмоий тарбия дарслари жараённида дарсни тўғри ўюшибирлиш, санитария гигиена коидаларига риоя қилиш, дарсларни очик ҳавода ўқказиш орқали ўкувчиларни иш согломлаштириш вазифалари ҳал килинади.

63. Савол. Жисмоний тарбия дарси ўқказишнинг тиббий гигиеник шароити қандай яратилади?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсини ўқказишнинг тиббий гигиеник шароитиши ярагиша машгулот ўқзабиладиган жойнинг қатъяян белгиланган тиббий – гигиеник нормаларга мувофиқлигига эришиш зарур. (Бунда спорт зал бўлса ҳаво температураси 14-16° С очик майдонларнинг тозалиги ва бошқалар эътиборга олинади).

64. Савол. Жисмоний тарбия дарслари моддий техник таъминоти деганда нималар назарда тутилади?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсларини моддий техник таъминлаш деганда дарс зичлигини, самарадорлигини таъминлашга имкон яратадиган, дарс вазифаларини тўлаконли хал килиш учун кафолат берадиган старли даражадаги ўкув жиҳозлари, анжомлари ва машғулот жойи назарда тутилади.

65. Савол. Жисмоний тарбия дарслари мазмунини самарадорлигини белгиловчи асосий кампонентлар нималардан иборат?

Жавоб. Дарс таркибига киритилган жисмоний машқлар, ўкувчиларнинг дарсдаги фаолияти, ўқитувчининг дарсдаги фаолияти, ўкувчилар организмида бажарилган машқлар оркали содир бўладиган физиологик психологик, биомеханик ва бошига узгаришлар жисмоний тарбия дарслари мазмунини самарадорлигини сифатини белгиловчи асосий компонентлар саналади.

66. Савол. Жисмоний тарбия дарслари қандай тузилишга эга?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарслари тайёрлов қисм, асосий қисм, ва якуний қисмдан иборат бўлиб ҳар бир қисмда белгилантан вазифалар бажарилади.

67. Савол. Жисмоний тарбия дарсларини қисмларига вакт тақсимоти таҳминан қандай тақсимланади?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсларининг қисмлари куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Тайёрлов қисм учун 8-12 дақиқа. Асосий қисм учун 25-30 дақиқа, якуний қисм учун 3-5 дақиқагача.

68. Савол. Жисмония тарбия дарсларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш усуслари нималардан иборат?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчилар фаолиятини ташкил этишининг фроитал усули, узлуксиз улаб ташкил этиш усулияти синфи Гурухларга бўлиш усулияти, ўкувчилар фаолиятини яккама-якка ташкиллаш ўкувчи фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш услубиятидан иборат.

69. Савол. Жисмоний тарбия дарсларининг қанака турлари мавжуд?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарслари таълимининг йўналишига кўра, дарсга кўйилган вазифалаорга кўра “кириш”, “янги материални ўзлаштириш”, “Аралаш”, “мустахкамлаш” ва такомиллаштириш”, “якуний” дарс турларига бўлинади.

70. Савол. Жисмоний тарбия дарсининг зичлиги нима?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсининг зичлиги дарс самарадорлигини кўрсатувчи белгилардан бири бўлиб у иккига умумий ва мотор зичликка бўлинади.

71. Савол. Дарснинг умумий зичлиги нима?

Жавоб. Дарснинг умумий зичлиги – бу дарсни умумий давомийлиги учун рационал сарфланган вақтнинг нисбати хисобланиб у бир неча компонентлар асосида ўлчанади.

72. Савол. Дарснинг мотор зичлиги нима?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсининг мотор зичлиги – бу ўқувчиларнинг бутуп дарс давомидаги фактат ҳаракат фаолиятининг фаоллиги учун сарфланган соғ вақтдир.

73. Савол. Жисмоний юклама нима?

Жавоб. Жисмоний юклама бу шугулланувчи организмига бериладиган жисмоний машқларни белгиланган ҳажмидир.

74. Савол. Ҳаракат реакциясининг тезлиги нима?

Жавоб. Ҳаракат реакциясининг тезлиги бу индивиднинг қандайдир танланган синалган, бўйруcka, овозга жавобан тезкорлигидан иборат, шунингдек ҳаракат реакцияси 2 турга ажralиб содда реакция ва мураккаб реакцияга бўлинади.

75. Савол. Жисмоний дарсни таҳлили қандай усуlda мавжуд?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарси умумий ва маҳсус таҳлил этиши мумкин. Умумий таҳлилда дарс зичлиги жисмоний баҳоланиши ва ўкув гарбиявий компонинтида умумлаштириб баҳоланади. Маҳсус таҳлилда эса дарсни алоҳида компоненти (масалан: ўкувчи фаолияти, ўкувчиларни ўзлаштириши ва бошка компонентлар) алоҳида таҳлил этилади.

76. Савол. Жисмоний тарбия дарсларини таҳлил этишда кайси жиҳатлар эътиборга олиниши лозим?

Жавоб. Дарс таҳлилида ўқитувчи ва ўкувчиларни дарсга тайёргарлиги, дарснинг мазмуни, дарснинг кисмидаги

бажариладиган ўкув тарбия түгрилигига, ўқутувчи ва ўкувчи фаолиятига. Ўқитувчининг нутки, иборадаги, буйруклари, маданиятига, дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланганлик каби жиҳатларга эътибор қаратилиди.

77. Савол. Жисмоний тарбия дарсларини таҳлил этишдан қандай мақсад кўзланади?

Жавоб. Жисмоний тарбия дарсларини таҳлил этишдан мақсад ўқитувчининг иш фаолияти билан танишиш уни ўрганиш, жисмоний тарбия дарсини қандай ўқитилишини, ўқувчиларни кўнікма ва малакаларини қай даражадалигини аниқлаш, илгор иш тажрибаларини ўрганиш, лозим бўлса ўқитувчига дарс самарадорлигини янада ошириш мақсадида маслаҳатлар беришдан иборат.

78. Савол. Спорт фаолияти нима?

Жавоб: Алоҳида ташланган спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиш (мураббий раҳбарлигига), мусобакаларга тайёрланиш ва қатнашиш, голибликка интилиш, натижаларни юкорига кўтаришга қаратилган фаолиятдир.

79. Савол. Спорт тушунчаси нима?

Жавоб. Спорт бу инсоният ҳаётидаги тарихан шаклланган инсон фаолияти бўлиб, танлаб олинган спорт турида юкори натижаларга эришиш ва маҳсус мусобақалар шароитида голибларни аниқлаш, уларни тақдирлашдан иборат. Спорт ҳозирги жамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб унинг жамиятдаи вазифалари, хилма-хил ва кўп карралидир.

80. Савол. Спортнинг жамиятдаги вазифалари нималардан иборат?

Жавоб. Спортнинг жамиятда мусобақа вазифаси, тарбиявий вазифаси, жисмоний фазилатларни тарбиялаш вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, ишлаб чиқаришга қаратилганлиги, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилганлик, дунё ҳалқларини бирдамликка чакириш вазифаси, томошабинлик каби вазифалари мавжуд.

81. Савол. Спорт машқи нима?

Жавоб. Спорт магистри педагогик ходиса бўлиб, у спортда юксак натижаларга эршиш учун бевосита йўналтирилган маҳсус жисмоний машгулот жараёнидир.

82. Савол. Спортчи тайёргарлигини асосий тамонлари нималардан иборат?

Жавоб. Спортчининг жисмоний тайёргарлиги (умумий ва маҳсус), спорт техник ва тактик тайёргарлиги, маънавий – иродавий тайёргарлик. спортчининг назарий тайёргарликлари спортчи тайёргарлигининг асосий тамонларини ташкил этади.

83. Савол. Спорт машқининг воситаси сифатида кулланиладиган жисмоний машқлар нималардан иборат?

Жавоб. Спорт машқининг асосий воситаси хисобланмиш жисмоний машқлар 1) танланган мусобақа машқлари; 2) маҳсус – тайёрлов машқлари; 3) умумий тайёрлов машқларидан иборат.

84. Савол. Спорт машқининг асосий тамойиллари нималардан иборат?

Жавоб. Спорт машқининг асосий тамойиллари бўлиб; юксак курсатгичларга интилиш, спорчичининг умумий ва маҳсус тайёрларигининг бирлиги, спорт машқи жараёнининг ўзлуксизлиги, спорт машқида юкламаларни аста секин ортириб бориш, спорт машқи юкламасининг тўлқинсимон ўзгариши, спорт машқи жараёнинг даврийлиги тамойиллари саналади.

85. Савол. Спорт машқи жараёни қандай даврларга бўлинади?

Жавоб. Спорт машқи жараёни катта (жумладан, йиллик ва ярим йиллик) ҳамда кичик (бир неча кун, бир ҳафталик) даврларга бўлинади.

86. Савол. Спорт машқини даврлашда қайси жиҳатлар хисобга олиниши зарур?

Жавоб. Спорт машқи жараёнларининг ўзгаришини сабаблари ва шароитлари, спорт машқи даврларининг микдори ва давомийлиги, мусобақа тақвими, мавсум иқтим шароитлари, спорт машқининг тайёрлов даври, мусобақа даври, ўтиш даври хусусиятлари спорт машқини даврлашда хисобга олинади.

87. Савол. Бир йиллик спорт машқининг тайёрлов даври қандай боскичлари мавжуд.

Жавоб. Тайёрлов даврининг биринчи босқичи умумий тайёргарлиги даври деб саналади. Тайёрлов даврининг иккинчи (максус тайёргарлик) босқичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир босқичда ўзига хос вазифалар бажарилади.

88. Савол. Спорт машқининг асосий босқичлари нималардан иборат?

Жавоб. Спорт машқининг асосий босқичлари: дастлабки спорт тайёргарлиги босқичи, бошланғич ихтисослашиш босқичи, чукур такомиллаштириш босқичи, спортда “узоқ йиллар яшаш” босқичларидан иборат бўлиб ҳар бир босқич ўзига хос саналади.

89. Савол. Дастлабки спорт тайёргарлиги босқичи қандай мақсадга қаратилган?

Жавоб. Дастлабки спорт босқичи одотда кичик мактаб ёшлан, баъзан ундан эртароқ бошланади ва мураббий раҳбарлигига боланинг қобилиятига, имкониятига энг мувофиқ келадиган бўлажак спорт ихтисоси предметини аниқлайди ва кейинги бошланғич ихтисослашиш босқичига ўтади.

90. Савол. Спорт тайёргарлик жараёнининг бошланғич ихтисослашиши босқичи нима вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган?

Жавоб. Спорт тайёргарлик жараёнининг бошланғич ихтисослашиш босқичида умумий тайёргарликтан кенг фойдаланиш асосида, бўлгуси ютукларга ишончли пойдевор кўйишдан, яъни организмни ҳар тамонлама ривожланишини тъмин этишдан, унинг функционал имкониятлари даражасини кўтаришдан ҳаракат малакаларини бойитишдан, спорт маҳорати асосларини згаллашдан иборат.

91. Савол. Спорт тайёргарлик жараёнининг чукур такомиллаштириш босқичи қандай вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган?

Жавоб. Спорт тайёргарлик жараёнининг чукур такомиллаштириш босқичда спорт машқининг барча ўзига хос қонуниятлари ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Машқ жараёни жуда чукур ихтисослаштирилган бўлади. Бу вактда ёш чегаралари 17-20 ёшдан 35-40 ёшгача диапазон ўртасида бўлади. Бу босқичда

спорт қобишлияти тўла намоё бўладиган ва спорт маҳоратининг чўққилари эгалланадиган вақт хисобланади.

92. Савол. Спортда “узок йиллар яшаш” босқичи кандай хусусиятга эга?

Жавоб. Ушбу босқичда машқнинг мазмуни ўзипинг характери жихатдан йилдан-йилга умумий жисмоний тайёргарликка яқинлашади. Мусобақаларнинг роли камаёди. юкламаларнинг ўса бориш тенденцияси кўп бўлмаган вақт доирасида сакланади ва машқларнинг айрим гурухларигагина таллукли булади. Шунга мувофиқ машқ жараёнинг тузулмаси ҳам кайта тузилади.

93. Савол. Спорт формаси (шакли) тушуичаси нима?

Жавоб. Спорт формаси педагогик нұктай назардан қараганда спортчининг ютуққа эришишига оптималь тайсер экани, ҳамма томонлама, руҳий, жисмоний, техник ва тактик жихатдан юқори даражада етилганлик эканлигидан иборатdir. Спорт формасини доимо сақлаб туриш мумкин эмас у вақтинча сакланади ва маълум муддатда йўқотилади. Бунинг турлича сабаблари мавжуд.

94. Савол. Дунё миқиёсида спорт ишларини қайси ташкилот мувофиқлаштиради.

Жавоб. Дунё бўйича спорт ишларини спорт турлари бўйича халқаро фидерациялар амалга оширали, мувофиқлаштиради.

95. Савол. Оммовий спорт ишлари кандай кўрсатгич билан баҳоланади?

Жавоб. Оммавий спорт ишларининг кўрсаттичи, самарадорлиги мусобака иштирокчиларнинг сони (канча кишилиги) билан белгиланади.

96. Савол. Спортчининг асосий мақсади нимага қаратилган?

Жавоб. Спорчининг асосий мақсади юқори спорт натижасига эришишига қаратилган.

97. Савол. Спорт турлари ҳаракат фаолияти фаоллигига кўра кандай турларга бўлинади?

Жавоб. Спорт турлари ҳаракат фаолияти фаоллигига кўра 5-турга бўлинади ва улар кўйидагилардан иборат.

1 гурух мусобақаларда юқори даражада ривожлаиган жисмоний сифатларни намоён этишини талаб этади ва бу спорт турларида

натижаларга эришиш спортчининг тайёргарлик асосида ўзлаштирган шахсий имкониятларига боғлиқ бўлади.

2 гурӯҳни харакат фаолиятларини техник воситалар орқали оширишга қаратилган спорт турлари ташкил этади. (мотоспорт, автоспорт, авиааспорт, яхта ва бошқалар) Спорт натижаларига эришиш техник воситасининг харакатига, ва спортчининг ушбу воситани бошқариш қобилятига боғлиқ.

3 гурӯҳ маҳсус куроллар орқали мўлжалга отишга қаратилган спорт турларидан иборат.

(милтик, камон ва бошқалар)

4 гурӯҳ коиструкторлик фаолиятини намоён қилишга қаратилган спорт турлари. (автомодилчилик, авиамодилчилик, ва бошқалар)

5 гурӯҳ аклий фаолият орқали мусобақалариш ва ракибни ёнгилшга ҳаратилган спорт турлари (шахмат, шашка ва бошқалар) дан иборат.

98. Савол. Соғлом турмуш тарзи кечириш нималардан иборат?

Жавоб. Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, меҳнат ва дам олини тўғри режалаштириш, унумли меҳнат қилиш, фаол дам олини, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, организмни чинидариш, шахсий ва умумий гигиена қондларига риоя қилиш, ёмеч одаглардан ўзини тийиш, инсонлар билан оиласда, ишда ўқишида ва оиласда, умумжамоа жойларида тарбияли яхши муносабатда бўлиши демакач.

99. Савол. Алишер Навоий шахс жисмоний баркамоллигиниң қайси асарида талқин этади.

Жавоб. Алишер Навоий ўзининг "Фарход ва Ширин" достонида Фарход образи орқали шахс жисмоний баркамоллигини талқин этади.

100. Савол. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг фуқароларни саломатлигини таъминлашда турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортини сингдириш боришида қандай фикрлари бор?

Жавоб. Президент И.А.Каримовнинг бу борада кўпилаб фикрлари бор жумладан "Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшг' ёдан, оила, мактаб, махалла, согликни саклаш тизими, жиёний тарбия ва

спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси мухимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг кадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб асрасинлар”, деган улкан фалсафий мулоҳазалари у кишининг инсонпарварлик йўлидаги амалтаридан биридир. Шу сабабдан аҳолининг барча қатламларида жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллий ўйинларини ривожлантириш билан боғлик бўлган қатор қонуидар, фармонлар ва қарорлар кабул қилиниб, уларнинг самаралари рӯёбга чикмоқда.

101. Савол. Келажакда инсон саломатлигини яхшиланиши ва спорт натижаларининг ўсиб бориши нималарга боғлик?

Жавоб: Бизнингча бунинг жуда кўп факторлари бўлиб, аввало экологията, аҳолининг соглом турмуш-тарзи кечиришига, илмий асосланган янги техналогиялар асосидаги жисмоний тарбия ва спорт машгулотларини ташкия этиш ва ўтказишга боғлик.. Яна бошқа факторларга... боғлик бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги конуни. Т. 2000 й
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч Т.: маънавият, 2008 й 176 бет.
3. Абдуллаев А, Холкелдиов Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубяти. дарслик - Т.: 2005 й
4. Абдумаликов Р. Кудратов Р. Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спорт услубий кўлланма Т.:2003 й 90 бет.
5. Абдумаликов Р. Юнусов Т. Т.: Ўзбекистонда жисмоний тарбия таълимининг ривожланиши. Т.: 1992 й
6. Ахмедов Ф.К. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан 50- савол 50 жавоб I- кисм. Жиззах 2007- й.
7. Ахмедов Ф.К. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан 50- савол 50 жавоб II -кисм. Жиззах - 2009 й.
8. Ашмарин Б.А. Теория и методика физического воспитания. Уч.пос-е М.1979 г
9. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар: дарслик Т.:2004 й. 334 бет.
10. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Учб. Киев 1992 г 317 стр
11. Матвеев Л.П. Теория и методика физического культуры. Учебник М.1991 г
12. Махкамжонов К.М., Хўжаев П. Жисмоний тарбия 1-4- синф учун ўкув кўллами 2008 й
13. Рафиев Ҳ.Т. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанидан марзуза матни Самарқанд-2005 й.
14. Рихсиева О.А. Абу Али иби Сино о роли физических упражнение в сохранение здоровье человека. Т.: “Ўқитувчи” 1982й.
15. Ўзбекистон миллий энсеклопедияси 1-12 томлар.
16. Шиян Б.М. Теория и методика физического воспитания. Уч.пос-е М.1988 г